



## ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ АСОСИДА КОРХОНАЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Алиева Надирахон Абдумаликовна,  
PhD, в.б.доцент, Менежмент ва маркетинг кафедраси доценти,  
Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон.  
Email: loko-74@inbox.ru. ORCID:0009-0001-3320-9981*

### WAYS TO INCREASE THE COMPETITIVENESS OF ENTERPRISES ON THE BASIS OF INNOVATIVE MANAGEMENT

*Alieva Nadirakhan Abdumalikovna,  
PhD, Associate Professor, Department of Management and Marketing,  
Tashkent Financial Institute, Tashkent, Uzbekistan.  
Email: loko-74@inbox.ru. ORCID:0009-0001-3320-9981*

#### JEL Classification: M1, M11

**Аннотация:** Мазкур мақолада иқтисодиёт тармоқларида фаолият олиб бораётган корхоналар рақобатбардошлигини оширишида инновацион менежмент зарурияти асослаб берилган. Маълумки, рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида республиканинг ҳар бир тармоқ корхоналарини инновацион ривожлантириши, ишилаб чиқаришни модернизациялаши ва инновацион жараёнларни разбатлантириши - корхона фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини оширишига, истеъмолчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини қондиришига ҳамда янги ўйналишидаги тармоқларни қашф этилишига имкон беради. Инновацион ривожланиши эса, корхоналарда инновацион менежмент ташкил этиши ва унинг янгича усулларини жорий қилиши натижасида амалга ошаади.

Хозирги рақобат бозор шароитида корхонада янгиликларни излаш ва тадбиқ қилишини разбатлантирувчи муҳитни яратиш, менежментнинг тамоиллари асосида инновацион менежмент усулларини

қўллаш орқали инновацион менежмент самарадорлиги эришиши мукин. Бунинг учун тизимда бошқарув погоналар сонини камайтириши, янгиликларни ишилаб чиқши ва тадбиқ этиши муддатларини қисқартириши билан бирга инновацион масалаларни бир вақтнинг ўзида паралел равишда ечиш асосида ташкил этиши зарур. Тармоқда инновацион менежмент илм-фан, ишилаб чиқариш, сармоя киритиш ва сотиши жараёнларини узвий боғлаган ҳолда инновацион жараёнларни ташкил этиши ва бу жараёнлар билан банд бўлган ташкилий тузулмалар ва уларнинг ходимларини инновацион ёндашув асосида бошқарии ҳисобланиб, бошқарии самарадорлиги ушибу жараёнларда қўлланиладиган усуллар натижадорлиги билан белгиланади

Ушибу мақолани ёзишида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, бошқарув муаммоларини тадқиқ этишида ўз ҳиссаларини қўшиган хорижслик ва Ўзбекистонлик олимларнинг илмий ишлари, ўқув адабиётларидан фойдаланилди. Тақиқот методологияси



сифатида назарий ва статистик таълил, кузатиш каби усуllibардан фойдаланилди. Натижада, инновацион менежмент усуllibари тизимнинг рақобатбардошлигини ошириши, ривожланиши барқарорлигини таъминлаш мақсадида ўз стратегиясини самарали амалга ошириши имконини берадиган, асосий бошқарув функцияларни амалга оширишида янгиликлардан фойдаланган ҳолда тизимни яҳлит тузилишини бошқарии усуllibари эканлиги асосланди ва корхоналар рақобатбардошлигини оширишида инновацион менежмент усуllibари тавсия этилди.

**Abstract:** This article substantiates the need for innovative management in improving the competitiveness of enterprises operating in the sectors of the economy. It is known that during the period of transition to a digital economy, the innovative development of enterprises in each industry of the republic, the modernization of production and the stimulation of innovative processes will increase the economic efficiency of the enterprise, meet the changing needs of consumers, and open industries in new directions. Innovative development occurs as a result of the organization of innovative management in enterprises and the introduction of new methods.

In modern competitive market conditions, the effectiveness of innovative management can be achieved by creating an environment that stimulates the search for and implementation of innovations in the enterprise and the application of innovative management methods based on management principles. To do this, it is necessary to reduce the number of management steps in the system, shorten the period for the development and implementation of innovations, organize them on the basis of

the simultaneous solution of innovative problems. In the network, innovation management is understood as the organization of innovation processes by integrating the processes of science, production, investment and marketing, as well as the management of employees of organizational structures involved in these processes, based on an innovative approach, and the effectiveness of management is determined by the effectiveness of the methods used in these processes.

When writing this article, decrees and resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan, resolutions of the Cabinet of Ministers, scientific works and educational literature of foreign and Uzbek scientists who contributed to the study of management problems were used. Theoretical and statistical analysis and observation methods were used as the research methodology. As a result, it was proved that innovative management methods are methods of managing the overall structure of the system using innovations in the implementation of basic management functions, allowing you to effectively implement your strategy in order to increase the competitiveness of the system, ensure development stability, innovative management methods to improve the competitiveness of enterprises.

**Калим сўзлар:** инновация, инновацион жараён, менежмент, бошқарув усуllibари, рақобатбардошлик, тизим, эҳтиёж, самара.

**Key words:** innovations, innovation process, management, management methods, competitiveness, system, need, efficiency.

**Кириш.** Ҳар қандай соҳани тизимли ва узлуксиз тараққиётини таъминлаш тармоқдаги инновацион фаолликни жадаллаштириш билан

боғлиқ. Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши шароитида инновация-мамлакатни муваффақиятли ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб, миллий хўжалик тармоқларида илм-фанга асосланган техник, иқтисодий, ташкилий ўзгаришлар таъсирида корхоналар рақобат бардошлиги оширишга ҳизмат қиласди. Ҳозирги ислоҳатлар даврида янгилик нафақат давлат корхоналари, балки ўрта ва кичик корхоналарини ажralмас элементлари ҳисобланиб, инновацион менежментни қўллаш мамлакатнинг иқтисодиётини ривожлантириш ва тармоқ корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Ўзгаришлар инновацияларнинг ўзига хос мазмунини ташкил қиласди, инновацияларнинг иқтисодий моҳияти эса илмий техникавий янгиликларга нисбатан бозордаги эҳтиёжлар натижасида юзага келадиган инновацияларни устунлигини белгилайди. Истеъмолчини биринчи навбатда илм фан соҳасида яратилаётган инновациялар, уларнинг ўзига хос имкониятлари эмас, балки улардан фойдаланиш қийматининг бошқа алтернатив варианtlарга нисбатан фойдалилик хусусиятлари ва афзалликлари қизиктиради. Демак, инновация илмий техникавий янгиликлар, фан ютуқлари сифатида ҳамда бозордаги истеъмолчини талабларидан келиб чиқсан ҳолда юзага келади. Чунки инновацияни жараён сифатида, тизим сифатида, ўзгариш сифатида ҳамда натижа сифатида кўриш мумкин.

Инновацион жараён эса илмий билимларни янгиликка айлантириш жараёни ҳисобланиб, инновацион жараён босқичлари фундаментал, амалий

тадқиқотлар, ишланмалар, янги маҳсулотларни лойихалаш, янги технологияларни ишлаб чиқиши, маҳсулот ёки ҳизмат ишлаб чиқариши, сотиш жараёнларидан иборат. Бунда инновациялар бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариши ва сотиш воситаси сифатида кўрилса, инновацион жараён эса назарий билимлар асосида пайдо бўлган ғоялардан то исътемолчининг талабини қондира олган товар маҳсулотини сифатида вужудга келиш кетма кетлигидан иборат жараёнлар мажмуасидир.

Инновацион фаолият- бу бозорда сотиладиган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологияларни яратиш учун олиб борилган инновацион жараёнлардан иборат фаолият туридир. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ти Қонунида “Инновацион фаолият — янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият” деб белгиланган [1].

Инновацион менежмент корхона учун жуда ҳам муҳим фаолият ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари бири истеъмолчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талабнинг объектив равишда ўсиб бориши ҳамда ишлаб чиқарувчилар бозоридаги рақобатбардошлик даражасининг ошиб боришидир. Инновацион менежмент инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариши мувофиқлаштириш билан бир қаторда инновацион жараёнлар ва иқтисодий муносабатлардаги инновацион ёндашувларни тизимли бошқаришни ўз ичига олади [5].

## Материал ва метод.

Инновацион менежмент фойда олиш мақсадида инновацияларни яратиш, ишлаб чиқариш, бозорга йўналтириш жараёнларини илмий асосланган тамойиллар, усуллар асосида бошқариш фаолияти бўлиб, илмий билимларнинг мустақил соҳаси сифатида XX асрнинг

икинчи ярмида шакилланди. Инновацион менежмент - инновацион жараёнларни, ташкилий шаклларни ва ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахсларни бошқариш тизими бўлиб, дунё олимлари инновацион менежмент тушунчасига турлича тарифлар беришган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Инновацион менежмент тушунчасига олимлар томонидан берилган илмий таърифлар<sup>1</sup>.

Т.Ф.Палей	Инновацион менежмент - инновацион жараёнларни, инновацион фаолиятни, ташкилий шаклларни ва ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахсларни бошқариш тамойиллари, усуллари ва шакллари тизими.
В.Г. Медынский	Инновацион менежмент - бу бозор шароитида фаолият юритаётган фирманинг аниқ инновацион мақсадларига эришишга, илмий, меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишга асосланган оптимал натижаларга эришишга, турли хил принциплар, функциялар ва усулларни қўллашга қаратилган касбий фаолиятнинг алоҳида тури.
А.Е. Абрамешин	Инновацион менежмент иқтисодий фан ва профессионал бошқарув фаолиятининг мустақил соҳаси сифатида функционал бошқарув турларидан бири бўлиб, унинг бевосита обьекти инновацион жараёнлардир. Инновацион менежментнинг асосий моҳияти инновацион жараёнларни ҳар бир харакати тушуниш ва таҳлил қилган ҳолда бошқаришdir.
О.А. Володина	Инновацион менежмент - ноаниқлик шароитида илмий-техникавий тараққиётни тезлаштириш ва фан-техника ютуқларини самарали амалга ошириш бўйича ишларга тизимли ёндашув
Л.Л. Высоцкий	Инновацион менежмент - бу, биринчидан, инновацияларни ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этишда юзага келадиган ўзгаришларни бошқаришдаги ижодий ёндашиш бўлса, иккинчидан, энг муҳими, янги бозорларни ўзлаштириш ва юқори фойда олиш мақсадида ўсиш суръатини оширишга қаратилган ёндашув
И.П.Потехин	Инновацион менежмент илмий йўналиш ҳисобланиб, унда инновацион жараёнларни иқтисодий, ташкилий-бошқарув, ҳуқуқий, ижтимоий-психологик омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда ҳамда бу жараёнларни янада самарали ташкил этишини бошқариш тушунилади.
И.П. Степанова	Инновацион менежмент фирма ва унинг маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга, инновацияларга асосланган ривожланишни бошқаришга олиб келадиган ўзгаришларни бошқаришdir.
Ш.И.Отажонов	Инновацион менежмент фан-техника тараққиётини бошқариш жараёнлари ва илмий-техник ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг асосий жиҳатларини қамраб олади

<sup>1</sup> Муаллифнинг илмий-тадқиқотлари асосида тузилган

Юқорида фикрларни инобатта олган ҳолда, инновацион менежмент хар қандай корхонанини рақобатборошлигини таъминлашга асос бўлувчи, ўзгаришлар, инновацион жараёнларни бошқаришдаги усуллар, тамойиллар ва шакллар тизимидан иборат фаолият тури ҳисобланади деган хуносага келиш мумкин.

Ҳозирги ислоҳатлар даврида янгилик нафакат давлат корхоналари, балки ўрта ва кичик корхоналарини ажralмас элементлари ҳисобланиб, инновацион менежментни қўллаш мамлакатнинг иқтисадиётини ривожлантириш ва тармоқ корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. П.Н.Завлин, А.К. Казанцев ва Л.Э. Миндели ўз илмий тадқиқотларида корхона фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлашда, корхона ички муҳитида инновацион менежментнинг маҳсус тизимини ташкил этиши зарурлигини таъкидлаганлар [4]. Ушбу инновацион менежмент тизими қўйидаги муаммоларни ҳал этади:

- стратегик инновацион концепцияни яратиш;
- фаолият йўналишини аниқлаш ва унинг инновацион лойиҳасини шакллантириш;
- ташкилий тузилмани ва инновацияларни бошқариш тузилмасини шакллантириш;
- инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва сотиш жараёнларини режалаштириш;
- кадрларни танлаш ва жойлаш;
- вазифаларни тақсимлаш ва уни бажарилишини назорат қилиш;
- ижодкорлик муҳитини яратиш ва интелектуал меҳнатни рағбатлантириш.

Россиялик олим И.Н.Гречикова эса, инновацион менежментни ташкил этиш орқали:

- инновацион фаолият режа ва дастурларини ишлаб чиқиш;
- янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ва амалга ошириш;
- инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш лойиҳаларини кўриб чиқиш;
- инновацион сиёsatни олиб бориш;
- ишлаб чиқариш бўлимлари фаолиятини муқобиллаштириш;
- инновацион фаолиятни молиявий ва моддий ресурслар билан таъминлаш;
- инновацион фаолиятни малакали мутахасислар билан тамиллаш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришда дуч келиши мумкин бўлган муаммолари ечимини аниқлаш учун маҳсус ишчи групини ташкил этиш каби вазифаларни амалга ошириш мумкинлигини тадқиқ этган [3].

**Натижалар.** Маълумки, янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва сотиш ўзига яраша юқори хавфли жараён бўлиб, бу жараёнга сарфланган харажатларни қоплаш кафолатланмайди, яъни, лойиҳанинг бошида инвестиция қилинган моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларга кетган харажатлар қопланишига кафолат йўқ [7]. Бу эса инновацион менежментнинг ўзига хос ҳусусиятларидан бири бўлиб, менежментнинг бошқа йўналишларига нисбатан хавф-хатар юқорилигини белгилаб беради.

Инновацион менежмент корхона учун жуда ҳам муҳим фаолият ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари бири истеъмолчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талабнинг объектив равишда ўсиб бориши ҳамда ишлаб чиқарувчилар

бозоридаги рақобатбардошлик даражасининг ошиб боришидир.

Инновацион менежмент инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш билан бир қаторда инновацион жараёнлар ва иқтисодий муносабатлардаги инновацион ёндашувларни тизимли бошқаришни ўз ичига олади.

Ҳар қандай корхонанинг инновацион менежментининг асосий мақсадлари янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиши, такомиллаштириш ва жорий этиши, корхонанинг илмий-техник ва ишлаб чиқариш фаолиятини асосий йўналишларини аниқлаш, фойдалилик даражаси юқори бўлган ишлаб чиқаришни янада модернизациялаш ва ривожлантириш ҳамда эскирган ишлаб чиқариш қувватларини тугатишдан иборатdir.

Ушбу мақсаддан келиб чиқкан ҳолда, инновацион менежментнинг асосий функциялари қўйидагилар деб белгилаб олиш мумкин:

- инновацион мақсад ва дастурларни бозорнинг ҳолати ва ташқи муҳит ўзгаришига қараб доимий равища мувофиқлаштириб бориш;

- корхонанинг инновацион фаолиятида режалаштирилган яқуний натижага эришишга эътиборни қаратиш;

- бошқарув қарорларини қабул қилишда бир нечта вариантларни ҳисобини олиш учун замонавий ахборот базасидан фойдаланиш;

- стратегик бошқариш ва режалаштириш функцияларини жорийдан истиқболга қараб ўзгартириб бориш;

- корхонанинг барча илмий техник ва ишлаб чиқариш салоҳиятини бошқарувга эътиборини қаратиш;

- корхонанинг инновацион фаолиятини ўзгартириш ва

такомиллаштиришнинг барча асосий омилларидан фойдаланиш;

- корхонанинг ҳар бир сегментида инновацион жараённи таъминлаш;

- ўзгаришларни олдиндан сезиш ва вазиятга мослашувчан қарорларни қабул қилишга асосланган бошқарувни амалга ошириш.

Юқоридаги фикрлардан, инновациялар- турли хил хусусиятларга ва бошқарувга эга бўлган илм-фан, ишлаб чиқариш, инвестиция ва маҳсулотни сотиш соҳаларини бирлаштиради деган хуносага келиш мумкин. Инновацион менежмент фақат янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки корхоналарнинг турли фаолиятида янгича жараёнлар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. У нафақат техногоник ишланмалар, балки корхона фаолиятини ижобий ўзгаришлари ҳамда билим ўрганиш жараёнларини бошқаришни ҳам ўз ичига олади. Тармоқда инновацион менежмент моддий-техник, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда инновацион мақсадларни амалга оширишга қаратилган фаолият ҳисобланади.

Инновацион менежмент самарадорлиги, менежментнинг тамойиллари асосида инновацион менежмент усулларини қўллаш билан боғлиқ бўлиб, бунинг учун корхонада янгиликларни излаш ва тадбиқ қилишни рағбатлантирувчи муҳитни яратиш билан бирга инновацион масалаларни бир вақтнинг ўзида паралел равища ечиш асосида ташкил этиш зарур. Тармоқда инновацион менежмент илм-фан, ишлаб чиқариш, сармоя киритиш ва сотиш жараёнларини узвий боғлаган ҳолда инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бу жараёнлар билан банд бўлган ташкилий тузилмалар ва уларнинг

ходимларини инновацион ёндашув асосида бошқариш ҳисобланиб, бошқариш самарадорлиги ушбу жараёнларда кўлланиладиган усуллар натижадорлиги билан белгиланади [10].

Бошқарув усуллари бу бошқарув субъектининг муайян натижаларга эришиш мақсадида бошқарув обьектига таъсир ўтказиш усуллари йигиндисидир. Бошқарув усули қўйилган мақсадга эришиш учун бошқарилаётган обьектга таъсир ўтказиш техника ва чоралари тўпламидир. Инновацион менежмент усуллари тизимнинг

рақобатбардошлигини ошириш, ривожланиш барқарорлигини таъминлаш мақсадида ўз стратегиясини самарали амалга ошириш имконини берадиган, асосий бошқарув функцияларни амалга оширишда янгиликлардан фойдаланган ҳолда тизимни яхлит тузилишини бошқариш усулларидир. Инновацион менежмент усуллари кўлланилиш соҳасига кўра, инновацияни йўналтирилганлигига кўра ва усулнинг инновационлигига кўра гурухларга бўлинади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ УСУЛЛАРИ

Усуллар туркумланиши	Кўлланиладиган усул турлари
Кўлланилиш соҳасига кўра инновацион менежмент усуллари	<ul style="list-style-type: none"> <li>-Фикрни йиғиш усуллари</li> <li>-Аналитик усуллар</li> <li>-Баҳолаш усуллари</li> <li>-Ғояни шакллантириш усуллари</li> <li>-Прогнозлаш усуллари</li> <li>-Қарор қабул қилиш усуллари</li> <li>-Визуализация усуллари</li> <li>-Аргументация усуллари</li> </ul>
Инновацияларни йўналтирилганлигига кўра қўлланиладиган усуллар	<ul style="list-style-type: none"> <li>-Ягона мақсади юқори сифатга эга бўлган маҳсулот ёки технологияларни ишлаб чиқаришга таъсир этувчи усуллар(бенчмаркинг, маркетинг усуллари)</li> <li>-Инновацияларни ишлаб чиқариш, жорий этиш, рағбатлантириш ва тарқатишга таъсир этувчи усуллар (инновациялар инжиниринги, инновация реинжиниринги ва брэнд-стратегия усуллари)</li> <li>-Инновацияларни жорий этиш, рағбатлантириш ва тарқатишга таъсир этиб, асосий мақсади сотишни тезлаштириш ва кўпроқ даромад олиш усуллари (нархни шакллантириш усуллари, бозорни фронлаш усуллари, мэрджер )</li> </ul>
Бошқарув жараёнидаги инновацион усуллар	<ul style="list-style-type: none"> <li>-Билимларни оширишга қаратилган инновацион усуллар (Shadowing, Badding, Seondment, Scaffolding, Coaching усуллари)</li> <li>- Жараёнларни бошқаришга қаратилган инновацион усуллари («Stage-Gate-процесс», «The Innovation Pipeline», «NPD-процесс» ва бошқалар )</li> </ul>

**Мунозара.** Инновацияларни кўра үйўналтирилганлигига қўлланиладиган усуллар учта гурухдан иборат бўлиб, юқори сифатга эга бўлган маҳсулот ёки технологияларни ишлаб чиқаришга таъсир этувчи бенчмаркинг ва

маркетинг усуллари, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, рағбатлантириш ва тарқатишга таъсир этувчи инновациялар инжинеринги, инновация реинжиниринги, брэнд-стратегия усуллари ҳамда

инновацияларни рағбатлантириш ва реализация қилишга таъсири этувчи нархни шакллантириш, бозорни фронлаш усулларидир [6].

Бошқарув фаолиятида кўлланиладиган инновацион усуллар эса ходимларнинг билимларини оширишга, инноваторлик қобилиятини шакллантиришга қаратилган усуллар ҳамда жараёнларни бошқаришдаги инновацион усуллардан иборат. Билимларни оширишга қаратилган инновацион Shadowing, Badding, Secondment, Scaffolding, Coaching усулар янги билимларга эга бўлишида кўлланилиб, интелектуал салоҳиятни оширишга хизмат қиласди [8].

Жараёнларни бошқаришда “Stage-Gate-процесс”, “The Innovation Pipeline”, “NPD-процесс” усуллар инновацион усуллар ҳисобланади. “Stage-Gate-процесс” усули янги маҳсулотни яратишда ғояни шаклланишидан уни сотишгacha бўлган ҳар бир жараённи, бошқарув тизимидағи раҳбарлар томонидан назорат қилиш ва кейинги босқични режалаштиришга асосланган.

“The Innovation Pipeline” усули инновацион жараёнларни ҳамкорликда амалга оширишда самарали ҳисобланади. “NPD-процесс” усули эса нафақат янги маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, балки бозорни тадқиқ этган ҳолда янада такомиллаштириб боришига қаратилган усулdir [9].

Тадқиқот натижасида, мамлекатимиздаги тармоқ корхоналарида юқорида келтирилган инновацион менежмент усулларини қўлашда куйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди [2]:

*Биринчидан*, корхона раҳбарлари янги турдаги маҳсулотни яратишдан кўра хорижий тажрибаларни қўлашни афзал кўрадилар. Баъзида эса бу тажрибалар

турли омиллар таъсирига кўра самарасиз бўлиб чиқади.

*Иккинчидан*, тармоқ корхоналарида бошқарувда инновацион усулларни қўллай оладиган мутахассис раҳбарларнинг етишмаслиги.

Учинчидан, интелектуал мулк ва “интелектуал мулк эгаси-институт-ишлаб чиқарувчи” тизимидағи даромадни тақсимланиш муносабатини тартиба солувчи қонунчилик хужжатларининг такомиллаштирилмаганлиги.

Тўртинчидан, соҳа ва тармоқда инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи тизим ишлаб чиқилмаганлиги.

Юқорида келтирилган мuloҳазалардан келиб чиқсан ҳолда, корхоналарда инновацион менежмент усуллари- тармоқдаги инновацион жараёнларни бошқаришда, бошқарув функцияларини бажаришда, бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳамда янги билимларни ўзлаштиришда инновацион ёндашув асосида қўлланиладиган усуллардир деб таърифлаш мумкин. Инновацион менежмент усулларининг ўзига хос ҳусусияти қўйидагилардан иборат:

- инновацион мақсад ва дастурларни ташқи муҳитга қараб ўзгартириш ва усулларни мослаштириш;

- усулларни қўлашда инновацион фаолиятнинг режалаштирилган натижаларига эришишга эътибор қаратишли;

- ўзариш ва янгиланишга таъсири этувчи омиллардан фойдаланиш;

- корхонани бошқаришда ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятни жалб этиш;

- корхонадаги турли фаолиятларида инновацияларни жорий этиш усулларни қўлаш;

- барча инновацион варианtlарни иқтисодий таҳлил қилиш.

Тармоқ корхоналарида таклиф этилаётган инновацион менежмент усулларини самарали қўллаш, қўйидаги натижаларга эришишга имкон беради:

- тармоқда фаолият олиб бораётган корхона рақобатбардошлик даражасини ошириш;
- ресурслардан фойдаланиш даражасини оптималлаштириш;
- иқтисодий харажатларни камайтириш;
- тизим функциясининг самарадорлигини ошириш;
- корхонани ривожланишининг янада прогрессив босқичига ўтиши.

**Хулоса.** Корхоналарда инновацион менежмент усулларини қўллаш тизимини мустаҳкамлаш, мавжуд ҳолатни тубдан ўзгартиришга хизмат қилади ҳамда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий функцияларни амалга оширишга имконини беради. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг истиқболи инновацион фаолиятсиз мавжуд бўла олмайди, чунки у корхонанинг нафақат молиявий иқтисодий ҳолатига, балки маънавий ўсишига ҳам таъсирини ўтказади. Корхоналарни бошқаришда инновацион менежмент усулларни қўллаш ва уларни такомиллаштириш, халқаро бозор талабларига жавоб берадиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқишга, экспорт қилиш бўйича аниқ бир стратегияни ҳамда истиқболли ривожлантириш режасини ишлаб чиқишга асос бўлади.

Инновациялар замонавий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим элементи эканлигини ҳисобга олган ҳолда, инновацияларни жорий этиш турли йўналишда ўз самарасини бериши мумкин. Инновацияни жорий этиш натижаси ва унга қилинган харажатларга кўра иқтисодий, илмий-техник,

молиявий, ижтимоий, экологик ва маънавий самараға эга бўлади. Инновацион самарадорлигини баҳолаш умумий қоидасига кўра, инновацияларни яратишга, ишлаб чиқаришга ва сотишга кетган харажатларни олдинги ҳолат билан таққослама таҳлил қилиш орқали аниқланади. Инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш самараси харажатларни камайтириш натижасида ҳамда сифатни ошириш эвазига нархни кўтариш натижасида олинадиган фойда кўринишида бўлиши мумкин.

Инновацион менежмент самарадорлиги асосан ишлаб чиқарилган янги турдаги ёки такомиллаштирилган ёки инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, ички ва ташки бозордаги маҳсулотга бўлган талаби билан баҳоланади.

Инновацион менежмент инновацион жараёнларни, инновацион фаолият билан шуғулланувчи шахсларни бошқариш тамойиллари, усуллари ва шакллари тизими сифатида қаралади. Корхонада инновацион менежмент самарадорлиги, инновацион жараёнларни бошқариш механизмини шаклланганлиги ва механизмнинг амалга ошиши натижасида юзага келади. Инновацион жараёнларни бошқарув механизми бошқарув воситалари ва усуллари йиғиндисидан иборат. Бошқарув воситаси бошқаришни амалга оширишга ёрдам берувчи нормалар, меъзонлар, талаблар кўринишида бўлиб, ричаг сифатида хизмат қилади. Бошқарув усуллари эса воситалардан фойдаланган ҳолда бошқарув механизмини харакатга келтирувчи усуллардир.

Юқоридаги мулоҳазалар, инновацион менежмент корхоналарда имкониятлардан тўлақонли фойдаланган



холда янги ғояларни, маҳсулотларни, жараёнларни яратиш ва жорий этишга кўмак беради деган хуносага келиш мумкин. Шунинг учун, инновацион менежмент корхоналар фаолиятини

ривожлантириш омили ҳисобланиб, иқтисодиётнинг барча соҳалари, тармоқлари, уларнинг таркибидағи корхоналар учун зарурий фаолият ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият” Қонуни. ЎРҚ-630 сонли 24.07.2020./lex.uz/
2. Алиева Н. “Пиллачилик тармоғида инновацион бошқарувни такомиллаштириш”. Агроиқтисодиёт журнали №2(16)-2020.
3. Гречикова И.Н. Менеджмент: Учебник.-3-е изд., перераб. и доп.-М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997.-501 с. 383-бет
4. Завлина П.Н. и др. Основы инновационного менеджмента: Теория и практика: Учеб. пособие /.-М.: ОАО «НПО «Издательство «Экономика», 2000.-475с. 157 бет
5. Иваницкая А. Е. Функциональный подход к управлению инновационной деятельностью предприятий. Диссертация к. э.н. Владимир -2014.
6. Ильинкова С.Д. Инновацион менеджмент.-М: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.-105с. Учебное пособие
7. Очилов И.С.Кластер тизимида инновацион самарадорлик масаллалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №2, март-апрель, 2019 йил
8. Панфилова А. П.Наставничество и обучение на рабочем месте: терминологический анализ зарубежных методов// Современные технологии управления. ISSN 2226-9339. — №12 (72). Номер статьи: 7202. Дата публикации: 2016-12-06 .
9. Самаль С.А. Современные методы управления инновационной деятельностью на предприятиях//Инновационные технологии в экономике. 12.10.2016. Web:<http://elibrary.miu.by/journals!/item.eiup/issue.48/article.1.html>
10. Тюлин А. Е. Повышение конкурентоспособности инновационно активных предприятий на основе создания и применения ключевых компетенций. Диссертация к.э.н. Москва 2017.